



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-36-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари, партия депутатлик гуруҳи ва вилоят Кенгаши депутатларининг ўтган давр мобайнидаги фаолияти тўғрисида

Сессия кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, депутатларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 18 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласди:

1. Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Д.Сувонованинг берган ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари:

депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибиға сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашсин, овоз беришда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этсин;

депутатнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ҳамда қайси комиссия таркибида бўлса, шу комиссиянинг мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши котибияти ёки комиссия раисига олдиндан хабар қилсин;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб турсин, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этиб борсин;

депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқсин, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш кунларини белгилаб олсин, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсин, тегишли худудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат

сўровларини чиқарсин;

депутат вақти-вақти билан, лекин йилида камида тўрт марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериб борсин;

сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши тўғрисида барча депутатлар шахсан огоҳлантирилсин;

депутат одоб қоидаларига қатъий риоя этсин, депутатнинг ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмасин.

3. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари:

депутатлик одоби бузилган тақдирда, депутатнинг хулқ-автори тўғрисидаги масала тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгashi томонидан ёки Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби комиссияси томонидан кўриб чиқсин;

Кенгаш ва унинг доимий комиссиялари қарорлари лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, юридик техник талабларига мувофиқлигини кўриб чиқсин, мазкур ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин, норматив-хуқуқий тусга эга қарорларнинг вилоят, туман, шаҳар Кенгashi муҳокамасига киритилишидан олдин Адлия органларидан хуқукий экспертизадан ўтказилишини ташкил қилсин;

Кенгаш ва унинг доимий комиссиялари йиғилишларининг белгиланган тартибда ўтказилишини йўлга қўйсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароитларни таъминлаш учун унинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этсин, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар берсин, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юборсин, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирларни кўрсин.

5. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгashi котибиятлари:

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгashi депутатини ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминласин, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштириб борсин;

депутатга техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан

кечиктирмай юборсин.

Белгилаб қўйилсинки, депутат сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

7. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (С.Абдураимов)га халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларини ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

8. Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари раислари Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларига фуқаролар томонидан билдирилган муаммолар ва таклифлар, уларнинг ечими юзасидан тегишлилиги бўйича депутатлик сўровлари орқали ҳамда фуқароларни қийнаётган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ишлаш тизимини йўлга қўйсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Сувонова) зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор қабул қилинган қундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.